

ВЕРМИКОПОСТНИ ПАРНИК ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАШНИНГ ПОМИДОР ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

А.Сайымбетов¹

қ.х.ф.ф.д (PhD), доцент

Е.Юсупов²

магистрант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7233053>

Аннотация. Мақолада парник ва таморқа шароитида помидор ҳосилдорлигига вермикопост-5 т/га, қорамал дариси-10 т/га, N₁₀₀, P₇₀, K₅₀₊ вермикопост-5 т/га, N₁₀₀, P₇₀, K₅₀₊ қорамал дариси -10 т/га қўлланилганда таъсири ўрганилди.

Калит сўзлар. Помидор, парник, таморқа, вермикопост, ҳосилдорлик.

Дунёда инсон саломатлигига эътибор юқори бўлиб, унинг кундаликли озиқланишидаги қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларининг сифатлиги томонидан аҳамиятли ўрин эгаллайди. Шу сабабли, дунёда аҳоли сонининг ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинларининг майдонининг камайиши, қуруқчилик, сувсизлик ва ҳақозо салбий омилларнинг юзага келиши озиқ-овқат маҳсулотларининг камайишига олиб келмоқда. Бу йўналишда фермер ва деҳқонларимиздан қшлоқ хўжалиги экинлари маҳсулотларини етиштиришда тоза органик ўғитларнинг роли айриқча бўлиб топилади. Президентимиз 2020-йил 18-майдаги ПФ-№5995-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга тегишли қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган ва органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш йўналишида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Республикамизда халқни асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш билан бир қаторда, бугунги жаҳон базорининг мураккаб талаблари шароитида мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт потенциалини кенгайтиришга имконият яратиб бераётганлиги айтиб ўтилди. Шу маънода, Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, турмушга жорий этила бошлаган. Республикамизда кейинги йиллари қишлоқ хўжалиги соҳасида юз бераётган ўзгарислар, инновацион кўз қарашлар, ишланмаларнинг жорий этилиши соҳада ривожланишнинг бўлаётганлигидан далолат беради. Органик деҳқончиликни

ривожлантиришда маҳаллий чорва ўғитлари ҳамда унда ривожланадиган колифорния қуртларининг озиқланиб, вермикомпостларни ҳосил қилиши асосий эътиборга эга янгилик бўлиб ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасида парник ва таморқа шароитида помидор етиштиришда вермикомпост қўллашнинг тупроқ маҳсулдорлигига ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўлиб топилади.

Олиб борилган тажрийбаларимиз давомида парник шароитида помидор ўсимлигини етиштиришда 5-вариантда тадқиқотлар ўтказилди. Бунда 1-вариант (Назорат вариант (NPK)- N-200, P-140, K-100 кг/га); 2-вариант (Вермикомпост-5 т/га); 3-вариант (Қорамал дариси-10 т/га); 4-вариант (N₁₀₀, P₇₀, K₅₀+ Вермикомпост-5 т/га); 5-вариант (N₁₀₀, P₇₀, K₅₀+ Қорамал дариси -10 т/га) илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Помидор парникларда баҳорги-ёзги мавсум оралиғида етиштирилади. Кўчатлар март ойининг иккинчи декадасида ўтирғизилди, маҳсулот апрел ойининг сўнги ўн кунлигида пишиб бошлади. Энг кўп ҳосил май ва июн ойининг биринчи яримида олинади. Ҳосилдорликни йиғиш июн ойи охирида якунланади. Кўчатлар пленкали иссиқхонага оддий усулда 70*35-40 см схемада ёки кўпинча икки қаторли лента усулида ўтирғизилди. Ленталар оралиғи 80-90 см, лентадаги қаторлар оралиғи 50-60см ва қаторлардаги оралиқ 25-40 см. Парникларда кундузги ҳарорат 25-27°C, тунда 14-16°C ва ҳаво намлиги 60-70% бўлиши лозим, тез-тездан шамоллатиб, доимий турда суғориш ва озиқландириш, уч-тўрт маротаба тупроқни юмшартириш, зараркунандалар ва касалликларга қарши кураш тадбирларини ўтказиш зарур. Баҳорги мавсумда ўсимликларнинг озиқланиш майдони кенг бўлиши керак. Ўтирғизилган кўчатлар 23-25°C да сув билан суғорилади. Мева ҳосил қилгунча ёруғлик оз бўлган ҳолатларда кундузги ҳарорат қуёшли кунлари 22-24°C, бултли кунлари 18-20°C, тунда 16-17°C бўлиши тавсия этилади. Мева ҳосил қилиб бошлагандан сўнг ва кундузги ёруғлик вақти узайиши билан: кундуз, қуёшли кунлари 24-26°C гача, бултли кунлари 20-22°C гача, тунда 17-18° С гача кўтарилиши лозим.

Тажирийба давомида вермикомпостнинг помидор ҳосилдорлигига таъсири ўрганиш давомида 1-вариантимизда уч қайтариқ асосида маҳсулот йиғиштириб олинди. Йиғиштириб олинган ҳосилдорлилик гектарига 84 центнерни ташкил қилди. 2-вариантимиз бўйича йиғиштириб олинган ҳосилдорлик 79 центнер атрофида бўлган бўлса, 3-вариантимизда гектарига 71 центнерни ташкил қилди. Ўтказилаётган тажирийбаимизнинг 4-вариантида гектарига 98 центнер ҳосил олинди. 5-

вариант бўйича олинган ҳосилдорлилик 92 центнерни ташкил қилди. Демак, олиб борилган илмий тадқиқот ишларимиздан кўриниб турганидек, 4-вариант гектарига N₁₀₀, P₇₀, K₅₀+ Вермикомпост-5 тонна қўлланилганда ҳосилдорлилик юқори бўлди.

Хулоса. Бундан келиб чиқди, тупроқ маҳсулдорлигини орттириш билан бир ҳолатда етиштирилаётган экиннинг ҳосилдорлик миқдорини ва орттириш имконияти юқори бўлади. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда вермикомпост ўғитининг аҳамияти бугунги кунда жуда юқори даражада қўлланилмоқда. Органик деҳқончиликни ривожлантиришда Колифорния ёмғир қуртларининг биоэкологик хусусияти, маҳаллий шароитда ва унинг авлодларини кўпайтириш, вермикомпост миқдорини кўпайтириш юқори аҳамиятга эга тадбирлардан ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Зуев В.И., Асатов Ш.И. Иссиқхоналар учун помидор навларини тўғри танлаш. // Ж. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. – Тошкент, 2002.
- 2.Мелник И.А. – Вермикультивирование: история, достижения, перспектива // Сб. науч. Тр. Минск,2013. С-25.